

## ЎТКИР ВИРУСЛИ ГЕПАТИЛАРНИ ПАТОГЕНЕТИК ДАВОСИ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

A.A. Осланов, Э.Э. Кобилов, Э.К. Пармонов, М.Э. Мардонова,

Самарқанд давлат университети, Самарқанд тиббиёт институти.

### ✓ Резюме,

*Муаллифлар томонидан болаларда ўткир вирусли гепатит А касаллиги патогенетик давосида яллиганишга қарши ностероидли воситалар ёки стероид гормонлар қўлланган беморлар гуруҳларини қиёслаб ўрганилган.*

*Муаллифлар холосасига кўра яллиганишга қарши ностероидли препараторларни олган вирусли гепатит А га чалинган болаларда касаллик нисбатан оғир ўтиши ва бундай тоифа беморларга дексаметазон препаратини белгилаш касалликни клиник кечишини оғирлашириши, юқори леталлик беришни ҳисобга олиб, бундай тоифа бемор болаларга микросомал цитохром 450 ферментлари фаоллигини оширувчи дексаметазон препаратини белгилаш мақсадга мувофиқ эмас деган холоса келинган.*

*Калит сўзлар: Ўткир вирусли гепатит, патогенетик даво, ностероидли воситалар ёки стероид гормонлар қўллаш.*

## ОСОБЕННОСТИ ПАТОГЕНЕТИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ ОСТРОГО ВИРУСНОГО ГЕПАТИТА

A.A. Осланов, Э.Э. Кобилов, Э.К. Пармонов, М.Э. Мардонова,

Самарканский государственный университет,  
Самарканский государственный медицинский институт.

### ✓ Резюме,

*Авторами проведено ретроспективный научно-аналитический исследование методов лечения вирусного гепатита в островом периоде у детей получавшие нестероидные противовоспалительные препараты. Группой сравнения была группа получавшие стероидные гормоны. Проведенный анализ показал, о нецелесообразности назначение нестероидных противовоспалительных препаратов в островом периоде вирусного поражения гепатоцитов.*

*Ключевые слова: Острый вирусный гепатит, патогенетический лечение, нестероидные противовоспалительные препараты, применение стероидных гормонов.*

## PECULIARITIES OF PATHOGENETIC TREATMENT OF ACUTE VIRAL HEPATITIS

A.A. Oslanov, E.E. Kobilov, E.K. Parmonov, M.E. Mardonov,

Samarkand State University, Samarkand State Medical Institute.

### ✓ Resume,

*The authors conducted a retrospective scientific and analytical study of methods of treatment of viral hepatitis in acute period in children receiving non-steroidal anti-inflammatory drugs. The comparison group was a group receiving steroid hormones. The analysis showed that the use of non-steroidal anti-inflammatory drugs in the acute period of viral defeat of the hepatocytes is inexpedient.*

*Key words: Acute viral hepatitis, pathogenetic treatment, nonsteroidal anti-inflammatory drugs, use of steroid hormones.*

### Долзарблиги:

Одам организми доимо ксенобиотиклар номли ёт кимёвий моддаларни узлуксиз таъсири остида бўлиб туради. Жигар организмдаги барча моддалар алмашинувида қатнашиши, маълум бир даражада исталган кимёвий моддалар, жумладан, дори препаратлари жигарга шикастловчи таъсир кўрсатиши илмий тасдиқланган. Ҳар бир минутда гепатоцитларда 2000 хил ферментлар иштирокида 20 миллион биокимёвий реакция бўлиб туришини ҳисобга олган ҳолда, ҳозирги экологик вазиятлар, озиқ-овқат маҳсулотларига кимёвий ишлов берилиши ва жигарни вирусли касалликларини даволашда қўплаб янги дори препараторлари таклиф этилаётганилиги муносабати билан, жигарни дори препараторлари таъсирида шикастланиши ва бу шикастланишга таъсир қўлувчи барча омилларни атрофлича ўрганиш замонавий гепатологиянинг долзарб муаммоларидан биридир.

Ўткир вирусли гепатитлар, айниқса ўткир вирусли гепатит А ни популацияда жумладан, болалар ўртасида кенг тарқалганилиги, б ёшгача бўлган болаларда 90 % ҳолатларда, 6-14 ёшгача бўлган болаларда эса 50 % ҳолатларда сариқиз ўтиши, аксарият ҳолатларда касалликни продромал даврида иситма кўтарилиши билан бошланиши, оқибатда педиатрлар томонидан кам зарарли деб ҳисбланган, ностероидли яллиганишга қарши парациетамол сақловчи препараторлари аксарият ҳолларда кенг кўламда ишлатилиши, касалликни оғир даражаларида глюкокортикоидлар белгиланиши амалиётда кузатилмоқда. 500 га яқин дори препараторларини таркибида парациетамол борлиги ҳозирги кунгача аниқланган.

Глюкокортикоидларни вирусли гепатитларда ишлатилиши бўйича айниқса, сўнгти йилларда бирбирига қарама-қарши бўлган фикрлар мавжуд бўлиб, ностероидли яллиганишга қарши парациетамол сақловчи препараторлар олгандан кейин беморларни аҳво-

ли оғирлашгани муносабати билан глюокортикостероидларни белгилаш сүнгі жаңыларда одатті бир қол сифатыда тез- тез күзгө ташланиши амалиётта кузатылмокда.

Хозиргача дорилар таъсирида келиб чиқадиган жигарни ўткір ва сурункали шикастланишини патогенези, ҳамма тан олган ягона таснифи, адекват да-валаш ҳамда аниқ клиник-лаборатор вә морфологик мезонлари (критериялари) ишлаб чиқылмаган.

Ностероидли яллигланишга қарши препаратлари катта дозаларда белгиланғанда жигарни эндоплазматик мембранның жойлашынан ёт органик бирикмалар вә дори препаратларини метаболизими учун жа-вобгар 50 яқын микросомал цитохром 450 ферментлари таъсирида оксидланып, жигар оқсиллари билан боғланған ҳолда гепатоцитларни некрозга (ацинусни III зонасини) уратадиган оралиқ токсик модда N-acetyl-p-benzoquinoneimine метаболити ҳосил бўлиши илмий адабиётларда берилмоқда. Хозирги кунда микросомал цитохром 450 ферментларини кучайтирувчи ҳамда сусайтирувчи айрим дори воситаларини рўйхати илмий адабиётларда берилган бўлсада, айрим кимёвий моддалар масалан, этанол жигарни биотрансформацияни хусусиятини яъни, микросомал цитохром 450 ферментларини маълум бирини кучайтириши ва бошқаларини сусайтириши мумкинлиги қайд этилган.

Одатда микросомал цитохром 450 ферментларини фаоллигини ошиши дори воситаларини таъсирини камайтиради. Микросомал цитохром 450 ферментларини фаоллиги янги туғилган болаларда ўта паст бўлиб, 1 ёшли болаларда катта ёшли одамлар ферментлари фаоллигини 50% ташкил қиласди ва балогат ёшигача кучайиб боради. Айрим дори воситалари масалан, глюокортикоидлар ва турли омиллар: этанол, мева соклари таъсирида цитохром 450 ферментлари фаоллашибиши натижасида ностероидли яллигланишга қарши воситалари одатті терапевтик дозаларда ҳам токсик таъсир кўрсатиши мавжудлиги бўйича илмий адабиётларда маълумотлар берилган. А.Ф.Блюгер ҳам ўз замонасида ўткір вирусли гепатитларда жигар ўзининг биотрансформация хусусиятини кучайтиришини шу йўл билан ўзини ҳимоя қилишини таъкидлаб ўтган.

Бироқ, ўткір вирусли гепатитларни ностероидли яллигланишга қарши воситалар сақловчи препаратларни истеъмол қилган бемор болаларда касалликни клиник кечишини, оқибати, унинг ўзига хос хусусиятлари, патогенетик давосида микросомал цитохром 450 ферментларини индукциялайдиган, стероид гормонларни (дексаметазон) ишлатиш мумкин ёки мумкин эмаслиги бўйича биз ўрганиб чиқсан ва топиш имконияти мавжуд адабиётларда илмий маълумотлар аниқланмади.

#### Илмий изланиш мақсади:

Болаларда ўткір вирусли гепатит А касаллиги патогенетик давосида яллигланишга қарши ностероидли воситалар ёки стероид гормонлар қўлланган беморлар гуруҳларини қиёслаб ўрганиш.

#### Текшириш усули ва материалар

Самарқанд вилоят юқумли касалликлар клиник шифононасида ўткір вирусли гепатит А ни турли хил оғирлик даражалари билан 2016-2017 йилларда даволанган 52 та бемор болаларда касалликни патогене-

тик давосини айрим жиҳатлари беморларнинг тиббий баённомалари асосида қиёсланиб таҳлил қилинди.

Ўрганилган беморлар гуруҳда барча ташхислар ИФА усулида вирусли гепатит А нинг иммуноглобулин М синфиға антителолар аниқланган, биохимик таҳлиллар ўтказилган, ва тиббий баённомаларида қайд қилинган. Таҳлил қилинган биринчи гуруҳ 24(11 ўғил ва 13 та қиз, 15 та 1-6 ёшгача, 9 та 6-14 ёшгача) бола анамнезида ностероидли яллигланишга қарши дори препаратлари истеъмол қилмаган, фақат инфузион терапия олган 1 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар.

Иккинчи гуруҳ 28 киши (19 та ջигарни ўғил 9 та қиз, 21 та 1-6 ёшгача, 7 та 6-14 ёшгача) анамнезида ностероидли яллигланишга қарши парасетамол сақловчи препаратларни бир ёки икки марта терапевтик дозаларда бир ёки икки кун истеъмол қилган ҳамда инфузион терапия олган 1 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар.

#### Натижалар ва таҳлиллар

Таҳлил қилинаётган 52 та беморлар 2 гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳ 24(11 ўғил ва 13 та қиз) бола анамнезида ностероидли яллигланишга қарши дори препаратлари истеъмол қилмаган, фақат инфузион терапия олган 1 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар.

Иккинчи гуруҳ 28 киши (19 та ջигарни ўғил 9 та қиз) анамнезида ностероидли яллигланишга қарши парасетамол сақловчи препаратларни бир ёки икки марта терапевтик дозаларда бир ёки икки кун истеъмол қилган ҳамда инфузион терапия олган 1 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар.

Биринчи гуруҳдаги 24 та бемор болаларда (15 та 1-6 ёшгача, 9 та 6-14 ёшгача) вирусли гепатит А клиник кечишини ва патогенетик терапиясини таҳлил қилиш шуни кўрсатди, 13 та беморда (54,1%) касаллик енгил даражада ўтиб, клиник белгилар касалликни 8-9 кунида пасайланлиги, биохимик таҳлиллар касалликни 9-12 кунига бориб нормага яқинлашгани аниқланди. Таҳлил қилинаётган 9 та беморда (37,5%) касаллик ўрта оғир даражада ўтиб, клиник белгилар касалликни 13-14 кунига бориб пасайланлиги, биохимик таҳлиллар эса 19-20 кунга келиб нормага яқинлашгани аниқланди. 2 та беморда касаллик (8,3%) нисбатан оғир даражада ўтганлиги, глюокортикоидлар 1кг/1мг белгилангандан кейин беморларни умумий аҳволи нисбатан яхшиланганлиги, клиник белгилар касалликни 18-19 кунида пасайланлиги, цитолитик ва холестатик синдромларни лаборатория кўрсаткичлари 22-24 кунга келиб нормага яқинлашгани аниқланди.

Иккинчи гуруҳдаги 28 та бемор болаларда (21 та 1-6 ёшгача, 7 та 6-14 ёшгача) вирусли гепатит А клиник кечишини таҳлил қилиш шуни кўрсатди, 8 та беморда (28,5 %) касаллик енгил даражада ўтиб клиник белгилар касалликни 9-10 кунида пасайланлиги, биохимик таҳлиллар касалликни 13-14 кунига бориб нормага яқинлашгани аниқланди.

Таҳлил қилинаётган 14 та беморда ( 50%) касаллик ўрта оғир даражада ўтиб, клиник белгилар касалликни 15-16 кунига бориб пасайланлиги, биохимик таҳлиллар эса 18-19 кунга келиб нормага яқинлашгани аниқланди.

Текширилган 2 та беморда (7,1 %) касаллик оғир даражада ўтганлиги, биохимик кўрсаткичлар юқори бўлганлиги глюокортикоидлар 1 кг/1 мг белгилангандан сўнг умумий аҳволида ижобий ўзгаришлар

кузатилмаганлиги, клиник белгилар касалликни 19-20 куннда пасайганлиги, цитолитик ва холестатик синдромларни лаборатория кўрсаткичлари 24-26 кунга келиб, нормага яқинлашгани аниқланди. Таҳлил қилинаётган 4 та беморда (14,2%) касалликни 6-7 куннда клиник белгилар кучайиб, ўткир жигар энцефалопатиясиға хос белгилари кузатилганлиги аниқланди. Глюкокортикоидлар 1кг/1мг белгиланган, инфузион терапия, гепатопротекторлар белгиланган. Глюкокортикоидлардан кейин bemорларни умумий аҳволи нисбатан оғирлашганлиги, клиник белгилар кучайганлиги, жигар ўлчамлари катталашган ҳолда сақланганлиги, геморрагик синдром пайдо бўлганлиги, ПТИ кўрсаткичлари пасайганлиги, анурия кузатилганлиги касалликни 8-9 куннда экзитус юз берганлиги аниқланди.

Ўткир вирусли гепатит А га чалинган болаларда касалликни клиник белгилари ва лаборатор кўрсаткичларини шифохонадаги bemornинг тиббий баённомаларини қиёслаб таҳлил қилиш натижасида ностероидли яллиганишга қарши воситалар сақловчи препаратларни олган болаларда касаллик ушбу препаратларни олмаган болаларга нисбатан касаллик клиник белгилари ва биохимик кўрсаткичлари узоқ муддат пасаймаганлиги, нисбатан оғир даражада ўтиши кузатилганлиги, глюкокортикоид препарати дексаметазондан кейин bemор болаларни умумий аҳволи сезиларли даражада ёмонлашгани, ўлим кўрсаткичлари юқори бўлиши аниқланди.

## Хулоса:

Яллиганишга қарши ностероидли препаратларни олган вирусли гепатит А га чалинган болаларда касаллик нисбатан оғир ўтиши ва бундай тоифа bemорларга дексаметазон препаратини белгилаш касалликни клиник кечишини оғирлаштириши, юқори леталлик беришини ҳисобга олиб, бундай тоифа bemор болаларга микросомал цитохром 450 ферментлари фаоллигини оширувчи дексаметазон препаратини белгилаш мақсадга мувофиқ эмас деган хулоса чиқаримизга асос бўлди.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ананьева Л.П.. Комбинированные анальгетики в лечении болевых синдромов. ГУ Институт ревматологии РАМН, Москва (2005). - Том 5, №6. - "Парацетамол через цитохром Р-450 подвергается N-гидроокислению, что приводит к образованию высокоактивного метаболита (N-acetyl-benzoquinone-imine).
2. Кукас В.Г. Метаболизм лекарственных средств: клинико-фармакологические аспекты. - /М.: Реафарм, 2004. - С. 113-120.
3. Середенин С.Б. Лекции по фармакогенетике. - /М.: МИА, 2004. - С. 303.
4. Надинская М. Ю. зав. - акад. РАМН, проф. В.Т. Ивашкин. Фульминантная печеночная недостаточность: современные представления о причинах, патогенезе и подходах к лечению. // Кафедра пропедевтики внутренних болезней ММА им. И.М.-Сеченова (2004). - Том 6. - "Токсичность парацетамола обусловлена образованием из него в системе микросомальных ферментов цитохрома Р-450 N-acetyl-p-benzoquinoneimine (NAPQI).
5. Diasio R.B., Beavers T.L., Carpenter J.T. Familial deficiency of dihydropyrimidine dehydrogenase: biochemical basis for familial pyrimidinemia and severe 5-fluorouracil-induced toxicity //J. Clin. Invest. - 1988. - Vol. 81.

Келиб тушган вақти 06. 03. 2018